

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 1 октябрь, № 201 (8824) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Антонелла Бассанини қабул қилди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Жаҳон банки гуруҳи билан стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ушбу етакчи халқаро молия институти томонидан Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида вице-президент Антонелла Бассани давлатимиз раҳбарига Жаҳон банки президенти Ажай Банганинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорлик бугунги юксак даражага етгани ва самарали тус олгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз банкнинг энг йирик ҳамкорлари қаторига кирди — лойиҳалар портфели бир неча баробар кўпайиб, ҳозирги кунда 12 миллиард доллардан ошди.

Жаҳон банки иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим ислоҳотларни амалга оширишда кўмаклашмоқда. Жорий йилнинг июль ойидан Тошкент шаҳрида банкнинг минтақавий ваколатхонаси фаолият бошлади.

Камбағалликка қарши курашиш, давлат корхоналари ва банкларини трансформация қилиш, карбонсизлаштириш, ЖСТга аъзо бўлишни қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишлар ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва урбанизация, энергетика ва ирригация инфратузилмасини модернизация қилиш дастурларига, хусусий секторни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақавий лойиҳаларни илгари суриш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги таълим-тарбия соҳаси ходимларини Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Халқимиз ўзининг азму шижоати, бунёдкорлик салоҳияти билан Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этаётган бугунги кунда ушбу улуғ айёмнинг моҳияти, муаллим ва устозларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти айниқса ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз азалдан эъзозлаб келадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг мақомини, қадр-қимматини янада юксалтириш — биз амалга ошираётган давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айлангани ҳам шундан далолат беради.

Зеро, донишмандлар айтганларидек, мамлакат аввало ердан ризқ-насиба ундирадиган деҳқонлар, халқни ёвдан, турли ёвузликлардан ҳимоя қиладиган аскарлар, ёш авлодга таълим ва тарбия берадиган фидойи муаллимларнинг саъй-ҳаракати билан обод ва фаровон бўлади.

Ҳурматли ватандошлар!

Кейинги йилларда миллий тараққиёт стратегиямиз асосида юртимизда таълим ва тарбия тизимида ҳам том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда.

Қисқа фурсатда соҳага оид кўплаб қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Янгиланган Конституциямизда ўқитувчининг мақоми алоҳида белгилаб қўйилди.

Республикамизда ҳар йили янги-янги таълим масканлари барпо этилиб, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига мос янги авлоди яратилмоқда.

Айниқса, мактабгача таълим тизими дунёдаги илғор тажрибалар асосида мутлақо янгича ривожланиш босқичига қадам қўйди. Юртимиздаги болалар боғчалари сони 8 баробар ошиб, салкам 38 мингтага, жумладан, нодавлат таълим муассасалари 250 тадан 29 мингтага, қамров эса 27 фоиздан 76,4 фоизга етгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу ҳақда сўз юритганда, охирги етти йилда 5 мингдан зиёд мактабда, шу йилнинг ўзида эса 608 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилганини таъкидлаш лозим.

Илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 288 минг нафардан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатланиши йўлга қўйилди.

Хусусий сектор ривожи учун яратиб берилаётган қулай имкониятлар натижасида нодавлат мактаблар улуши 5 фоизга етгани диққатга сазовордир.

Биз инсон қадрини улуғлашга қаратилган улкан ишларимиз доирасида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг иш ҳақи 2016 йилга нисбатан ўртача 2,5 марта, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши эса 4,5 карра ўсгани, октябрь ойидан педагог ходимларнинг иш ҳақи яна 15 фоизга оширилиши шу борадаги саъй-ҳаракатларимиз натижасидир.

Таълим сифатини юксалтириш мақсадида педагогларнинг малакасини ошириш бўйича ягона ва вертикал тизим яратилди. Жорий йилда ҳозирга қадар 142 нафар ўқитувчи илғор хорижий давлатларда малака ошириб қайтди. Мактаб директори лавозимига тайинлаш тизими такомиллаштирилиб, уларга менежерлик сертификатини бериш тартиби ўрнатилди.

Таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор туфайли ёшларимиз билим, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак марраларни қўлга киритаётгани барчамизни мамнун этмоқда.

Ўқувчиларимиз 2010 — 2016 йилларда халқаро фан олимпиадаларида 73 та медални қўлга киритган бўлса, сўнгги етти йилда 349 та, 2024 йилнинг ўзида эса 122 та медалга сазовор бўлгани ҳам биринчи навбатда сизларнинг машаққатли меҳнатингиз самарасидир.

Бу борада халқаро фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларнинг устозларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилгани ва шу мақсадда Давлат бюджетидан 6 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта буюк алломаларимизга бағишланган халқаро фан олимпиадаларини ўтказишни бошладик. Бу эса фарзандларимиз, бутун халқимиз қалбида ғурур ва ифтихор туйғуси билан бирга, дунёда Ўзбекистоннинг маърифий нуфузини ҳам юксалтирмоқда.

Мактабда иккинчи хорижий тил ва касб-ҳунарларни ўргатиш борасида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Жорий ўқув йилида 354 та мактабда 16 мингдан зиёд ўқувчига иккита хорижий тилни ўқитиш, 289 та мактабда 40 мингдан ортиқ ўқувчига касб-ҳунар ўргатиш йўлга қўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда юртимизда 135 та янги олийгоҳ ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 211 тага етказилгани, тизимда қамров даражаси 4 баробардан зиёд ошиб, 9 фоиздан 38 фоизга етгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Қадрли дўстлар!

Кўҳна тарих, бугунги ҳаёт тажрибаси барча муаммоларнинг ечими, саволларнинг жавоби фақат ва фақат таълимда, камолот ва бахт эшикларининг калити таълим ва тарбияда эканидан далолат беради.

Барчамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етишда — жонажон Ўзбекистонимизни эркин ва фаровон, ҳар томонлама обод мамлакатга айлантиришда соҳа ривожини янги сифат босқичига кўтариш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сизлар билан бўлиб ўтган сермазмун ва самимий мулоқотимизда бу ҳақда яна бир бор фикр алмашиб, келажак режаларимизни аниқ белгилаб олдик.

Ишончим комил, сиз, муҳтарам педагоглар, профессор-ўқитувчиларимиз таълим соҳасидаги ислоҳотларимизда янада фаол иштирок этиб, “Янги Ўзбекистон — маърифий жамият” деган олийжаноб ғоямизни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшасиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз таълим ва тарбия тизимини янада равнақ топтириш, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масаласига бундан буён ҳам устувор аҳамият берамиз ва ўқитувчиликни жамиятимизда энг обрўли касблар қаторига олиб чиқамиз.

Муҳтарам устозлар!

Мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, эзгу ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, қадрли ва меҳрибон устозлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

### 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

## УСТОЗИНИ, МУАЛЛИМИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЖАМИЯТ, АЛБАТТА, РАВНАҚ ТОПАДИ, ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтига ташриф буюриб, янгиланган шароитлар билан танишди, Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан давлат мукофотларини топширди ҳамда соҳа вакиллари билан таълимда амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги устувор вазифалар юзасидан мулоқот ўтказди.**

Ҳар бир ривожланган мамлакат каби Ўзбекистон ҳам ўз тараққиётини таълимга асосланиб қурмоқда. Бу соҳада чуқур ислоҳотлар, катта-катта дастурлар амалга оширилмоқда. Бунда энг муҳим бўғин, ёшлар сиёсатининг пойдевори — бошланғич ва умумий таълимдир.

Юртимизда 37 мингдан зиёд болалар боғчаси, 10 мингдан ортиқ мактаблар бор. Жойларда яна янгилари қурилмоқда. Лекин бу мақсаднинг бир қисми. Энг асосий масала — таълим сифати.

Шу боис педагог ва мутахассислар малакаси доимий ошириб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 июнда қабул қилинган мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришга доир қарори бу тизимни янги босқичга кўтарди.

Жумладан, шу соҳадаги институт Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтига айлантирилди. Мавжуд мажмуа капитал таъмирланиб, иккита қўшимча бино қурилди, барчаси замонавий жиҳозланди. Тингловчилар ўрни ҳам, йўналишлар ҳам кўпайди. Энг муҳими, малака тизими мазмунан бойиди.

Институт бундан 90 йил олдин, 1934 йилда очилган. Шунга бағишлаб, бу ерда музей ташкил этилган. Унда жадид боболаримизнинг илмга эътибори, Абдулла Авлоний асос солган маориф тизими, ўша даврдаги дарсликлар ва саҳна асарлари, умумий таълимнинг ривожланиш босқичлари акс этган. Сунъий интеллект ёрдамида маърифатпарвар жадидлар қиёфаси гавдалантирилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 21 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 10 июлда маъқулланган

Мамлакатимизда бандлик соҳасидаги давлат хизматларидан фойдаланиш учун қўшимча қулайликлар яратиш, мазкур соҳани рақамлаштириш воситасида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, ишсиз шахсларни қўллаб-қувватлаш ва уларни касбга ўқитиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган бир қатор ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

(Давоми 4, 5-бетларда).

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида**

## АХБОРОТ

2024 йил 30 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Олий Мажлис Сенатининг эллик саккизинчи ялпи мажлисида дастлаб “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонун билан креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш назарда тутилиб, унда креатив иқтисодиёт соҳалари сифатида 15 та йўналиш белгиланмоқда.

Ҳужжатда креатив иқтисодиёт бўйича давлат сиёсатининг амалга оширилиши механизми, Вазирлар Маҳкамасининг, вазирлик, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг соҳага оид ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика кенгаши ташкил этилиши, ушбу кенгаш жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган маслаҳат органи ҳисобланиши назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## САЙЛОВ — 2024

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан «Барқарор иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон, оила ва жамият фаровонлигига эришамиз» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.**

3-саҳифага қаранг.

# УСТОЗИНИ, МУАЛЛИМИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЖАМИЯТ, АЛБАТТА, РАВНАҚ ТОПАДИ, ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ерда қарийб 88 минг китоб фондига эга кутубхона ҳам бор. Давлатимиз раҳбари ушбу музей ва кутубхонани кўздан кечирди.

Муассасада малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг анъанавий, муқобил ҳамда дуал шакллари, шу жумладан, сунъий интеллект технологиялари асосида ўқитиш жорий этилган. Ситуацион ўқув хонаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги педагогик маҳорат марказлари билан видеоалоқа орқали уланган. Узлуксиз касбий таълим, менежерлик ўқув курслари, педагогларни аттестациядан ўтказиш ва малака тоифасини бериш, мактабгача ва мактаб таълимини бошқариш каби дастурий платформалар жорий этилган. Бу ҳудудлардаги директор ва ўқитувчиларни янги педагогик технология ва услубларга тезкор ўқитиш имконини беради.

Бугунги кунда мактаб директори нафақат тажрибали педагог, балки яхши бошқарувчи, маълум маънода стратег ҳам бўлиши керак. Институт ўқув дастурида бунга катта эътибор қаратилиб, директорлар мактаби ташкил этилган.

Инклюзив таълим ва психолог хоналарида шу йўналишда ишлайдиган дефектолог ва тарбиячилар малакаси оширилади. Медиастудияда видеодарслар тасвирга олинади. Шунингдек, институтда конференция зали, компьютер ва семинар хоналари, ошхона ва шароитлар бор.

Маълумки, бугун мамлакатимизда аниқ ва табиий фанларга алоҳида аҳамият қаратилиб, мактаблар замонавий жиҳоз ва ўқув қўлланмалари билан таъминланмоқда. Бу ўқитувчилардан шунга мослашишни, янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни талаб қилади. “STEM” лабораторияси педагогларни шу борада қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қилади.

Замонавий таълим талабидан келиб чиқиб, институтда ўқиш соатлари кўпайтирилди. Ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш мақсадида ётоқхона замонавий таъмирланиб, ўринлар сони оширилди.

Президентимиз ушбу хоналарда бўлиб, янги қулайлик ва имкониятлар билан танишди.

— Бу институт кутиб ўтирувчи эмас, тарғиботчи, етакчи бўлиши керак. Ҳудудлардаги ўқитувчи ва директорларни кўпроқ таклиф этиб, барча мактабларда сифатни ошириш зарур. Янги замон кишиси, келажагимиз бунёдкорлари мактабда тарбияланади. Таълимсиз келажак йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу ерда дарс берадиган ўқитувчи ва мураббийларни хорижда ўқитиш, дунёдаги илғор тажрибаларни уйғунлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида институтда 4 минг 300 нафарга яқин таълим муассасалари раҳбарлари малака оширди. Шунингдек, 2 минг нафарга яқин директор ва директорликка номзодлар менежерлик курсларида ўқитилди. “Узлуксиз касбий таълим” платформаси орқали дарсларда 113 минг нафардан ортиқ педагоглар қатнашди.

Сингапур халқаро таълим ташкилоти томонидан 100 нафар мактаб директори, 200 нафар математика ва табиий фанлар ўқитувчиси қайта тайёрланди. Институт тузилмасида Халқаро тадқиқотлар маркази ҳам иш бошлади.

Умуман, мамлакатимизда мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ҳамда мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг узлуксиз тизими йўлга қўйилади. 2025 йилдан бошлаб улар беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда малака оширади. Бундан ташқари, умумий ўрта таълим муассасаларида “Касбий ривожланиш соати” ҳамда “Касбий ривожланиш куни” жорий этилади. Президент мактабларида тўпланган илғор тажрибалар узлуксиз касбий ривожлантириш тизими орқали умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ қилинади.

Шундан сўнг 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг бошида барча таълим-тарбия ходимларини байрам билан самимий табриклаб, халқимизнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромини етказди.

— Биз устозни отадек улуғ деб билган, уни ҳамиша бошига кўтариб эъзозлаган буюк, маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Тарихимиздаги қайси машҳур аждодимизни олмайлик, уларнинг барчаси устозларга юксак эҳтиром билан қараганларига гувоҳ бўламиз. Устозини, муаллимини эъзозлаган жамият, албатта, равнақ топади, гуллаб-яшнайди. Ўқитувчисининг қадр-қиммати баланд бўлган халқнинг обрў-эътибори юксак бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаётда ҳар бир эзгулик, ҳар бир кашфиёт ва ютуқнинг замирида ўқитувчининг меҳнати, бардоши ва меҳр-муҳаббати мужассам экани таъкидланди.

— Таълим — соҳалар ичида энг долзарби, мактаб — энг муҳими бўлса, ўқитувчилик касблар орасида энг улуғидир. Шахсан мен ўқитувчи деганда, ўзим учун азиз ва қадрли бўлган зотларни, юз-кўзидан нур ёғилиб турадиган мўътабар инсонларни тасаввур қиламан. Улар замонамизнинг энг илғор кишилари, жонкуяр, ватанпарвар, халқпарвар инсонлардир. Шу сабабли халқимиз ўзининг энг катта бойлигини — фарзандлари тарбиясини ўқитувчиларга ишониб топширади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Устозларнинг донишмандлиги, ҳаёт маъносини чуқур англаб, одамларни яхшиликка ва муваффақиятларга руҳлантириши қайд этилди.

— Инсоннинг онги, дунёқараши ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаса, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг тафаккурини, шу асосда бутун жамиятни ким ўзгартира олади? Янги берунийларни, хоразмий ва фарғонийларни ким камолга етказади? Бундай улуғвор вазифани, том маънодаги тарихий миссияни адо этишга фақат сиз — устоз ва мураббийлар қодирсиз, — деди Президент.

Бугун юртимиз ўғил-қизлари халқаро фан олимпиадаларида, спорт майдонларида улкан марраларни қўлга киритаётгани ёдга олинди. Бу ғалабалар аввало устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳнати самараси экани эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 сентябрдаги Фармонига мувофиқ таълим-тарбия тизимига қўшган муносиб ҳиссаси, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Маросимда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Ўз меҳнати билан қадр топиш, эл-юрт ардоғида бўлиш чинакам бахт. Бу, айниқса, ўқитувчи ва мураббийларга ярашади. Қадрингиз ҳам, қаддингиз ҳам доимо баланд бўлсин, азиз устозлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққанлар таълим соҳаси ва муаллимларга эътибори, камтарона хизматларини юксак баҳолагани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилди.

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда улкан мақсадлар белгиланган. Уларни амалга ошириш ва тараққиётни давом эттириш ёш авлоднинг билим ва тафаккурига, тарбиясига, ватанпарварлигига боғлиқ.

Бунинг учун ўқитувчилар ҳуқуқий, ижтимоий ва молиявий томондан ҳимоя қилинган ва етарли таъминланган бўлиши керак. Шу боис янгиланган Конституциямизда ўқитувчи мақоми алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу йил “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Давлатимиз бойлиги, биринчи навбатда, ёш авлод тарбиясига сарфланмоқда. Сўнгги 7 йилда таълимни ривожлантиришга жами 216 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун бюджетдан 19,5 триллион сўм сарфланиб, 6 мингта давлат мактаби ва 3,5 мингта боғча реконструкция қилинди ҳамда янгидан қурилди. Мактабларда 800 мингта, боғчаларда 535 мингта қўшимча ўрин яратилди.

Хусусий таълимга кенг имкониятлар яратилаётгани туфайли хусусий мактаблар сони 27 тадан 500 тага етди, нодавлат боғчалар 250 тадан 30 мингтага кўпайди.

Ўқитувчиларга маҳорати ва эришган ютуқларига қараб тўланадиган устамалар сони 3 тадан 17 тага оширилди. Ўз устида астойдил ишлаган, хорижий сертификат олган 6 минг ўқитувчи 10 миллион сўмдан зиёд маош олмоқда.

14 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг дастурлари асосида табиий ва аниқ фанлар бўйича замонавий дарсликлар яратилмоқда. Президент мактабларидаги баҳолаш тизими ҳозир 500 та умумтаълим мактабида қўлланмоқда. Баҳолашни самарали йўлга қўйган 66 та мактаб жамоасига 40 фоизгача устама тўланмоқда.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни селекция йўли билан танлаб олиш бўйича илгари бўлмаган янги тизим йўлга қўйилди. Натижада бу йилнинг ўзида халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз 122 та медални қўлга киритди.

Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси сўнгги 7 йилда 4 карра ошди. Бу йил 310 минг нафар ёш талаба бўлди. Уларнинг қарийб ярми қизлардир.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари таълим сифати масаласига алоҳида тўхталди.

Давлат таълим муассасаларида 46 минг нафар, хусусий ташкилотларда эса 38 минг нафар педагог 5 йил давомида малака оширмагани қайд этилди. Бу йил сунъий интеллект ва рақамли технологиялар ёрдамида ўтказилган аттестация жараёнларида 21 минг нафар педагог малака бўйича етарли балл тўплай олмаган. Афсуски, бундай ҳолатлар ўқувчиларнинг билимига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис таълим сифатини янги босқичга кўтариш бўйича 7 та йўналишда вазифалар белгиланди.

Биринчи йўналиш. Абдулла Авлоний номидаги институт педагогларда касб маҳоратини оширишга масъул бўлади. Институтнинг 12 та ҳудудий марказини замонавий қиёфага келтириш ва жиҳозлаш учун яқин 3 йилда бюджетдан ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади. Малака оширишда вазирлик — малака ошириш маркази — мактаб ва боғчани боғлайдиган вертикал тизим йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, жойларда 1 минг 300 та таянч мактаб ва 200 та боғча танлаб олиниб, ёш педагоглар учун “Касбий ривожланиш куни” ва “Касбий ривожланиш соати” ташкил этилади. Бунинг учун етакчи ўқитувчиларнинг иш ҳақига 20 фоиз устама қўшилади.

Иккинчи йўналиш. Муаллимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш давом эттирилади. Келгуси ўқув йилидан халқаро стандартлар асосида малака сертификатини бериш йўлга қўйилади. Синовларда 86 ва ундан юқори балл олган педагоглар қўшимча 70 фоиз устама олади.

Давлатимиз раҳбари “Йил ўқитувчиси” танлови ўтказилиб, 208 та туман ва шаҳардан ғолиб бўлган ўқитувчиларга совға сифатида уй-жой берилишини эълон қилди.

Шунингдек, ҳар йили санаторий ва дам олиш масканларига юбориладиган ўқитувчилар сони 2 баробар оширилади.

Бир йил олдин мактаб директорларини ўқитиш тизими жорий этилган эди. Бугунги кунда улардан 1 минг 206 нафари менежерлик сертификатига эга бўлди. Ҳозир ана шу директорларга ўртача 3 миллион сўм устама берилмоқда.

Энди бу амалиёт 2025 йил 1 сентябрдан боғча мудираларига ҳам татбиқ этилади ва уларга ҳар ойда 30 фоизгача қўшимча устама тўланади.

Билимдон ва жонкуяр ўқитувчилар халқнинг ноёб бойлиги экани таъкидланиб, улар ҳақида “Устозга эҳтиром” номли китоб ва фильмлар яратиш зарурлиги айтилди.

Учинчи йўналиш. Аҳоли ўсиши туфайли йилига мактабларда 120 мингта, боғчаларда 30 мингта қўшимча ўринга талаб юзага келмоқда.

Келгуси йили бюджетдан ажратиладиган 3 триллион 200 миллиард сўм ҳисобидан 375 та мактаб ва 97 та боғча реконструкция қилинади ва янгилари қурилади.

Бундан ташқари, Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК жамғармасининг 50 миллион доллар маблағи доирасида келгуси 4 йилда 200 та хусусий боғча қурилиб, 30 мингта ўрин яратилади.

Янги йилдан бошлаб, хусусий секторда ўқувчи ўринларини кўпайтириш учун мактаб очадиган тадбиркорларга 20 миллиард сўмгача кредит ажратилади. Кредит фоизининг асосий ставкадан 1,5 баробар ошган қисми бюджетдан қопланади.

Шунингдек, янги қуриладиган хусусий мактаб бинолари учун коммунал харажатларнинг 50 фоизи 5 йил муддатгача бюджетдан тўлаб берилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ўз ҳисобидан мактаб қурса, унга кетган харажатлар фойда солиғидан икки йил давомида тенг улушларда чегириб ташланади.

Тўртинчи йўналиш. Таълимда сифат ва рақобатни таъминлаш учун рақамлаштириш даражаси оширилади.

Ўтган 5 йилда 13 минг 500 дан ортиқ компьютер синф хоналари 200 мингта замонавий компьютер билан таъминланди. Келгуси йил яна 2 мингдан зиёд компьютер синфлари янгиланади, бунга бюджетдан 400 миллиард сўм берилади.

Ана шу компьютерларга электрон таълим контентлари юкланиб, болалар учун мустақил таълим олиш имконияти ошади. Ўқувчилар мураккаб концепцияларни осон ўзлаштириши учун аниқ ва табиий фанлар бўйича виртуал лабораториялар ташкил этилади. Янги ўқув йилидан бошлаб бундай лабораториялар ҳар бир вилоятда 10 тадан мактабда қилинади.

Шунингдек, мактаб тизимида ўқитувчи ўз имконияти ва ютуқларини, янги ишланмаларини эълон қилиши учун ягона онлайн платформа яратилади.

Сингапурлик 16 нафар эксперт математика ва табиий фанлар ўқитувчиларининг касб маҳоратини оширади. Педагоглар сунъий интеллектга асосланган таълим платформасида билимларини бир йил давомида мунтазам синовдан ўтказади.

Хусусий боғчалардагидек, 6 минг 800 та давлат боғчасида ҳам давомат, тўловлар, озиқ-овқат харажатларини шакллантириш тўлиқ рақамлаштирилади.

Бешинчи йўналиш. Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар тажрибаси оммалаштирилади.

Бу йўналишда яна 1 мингта умумтаълим муассасасида Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблардаги баҳолаш тизимини жорий этиш бошланди. Ҳокимликларга уларни таъмирлаш ва зарур даражада жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим ва малака ошириш тизимида ягона узвий занжирни йўлга қўйиш учун педагогик таълим кластерлари ташкил қилинади. Бу тажриба-синов тариқасида дастлаб Андижон ва Бухоро шаҳарларида барпо этилади.

Олтинчи йўналиш. Иқтидорли ёшларни селекция қилиш тизими янги босқичга олиб чиқилади. Бунинг учун халқаро даражада фан олимпиадаларига тайёрлаш маркази ташкил этилади.

Рағбатлантириладиган халқаро фан олимпиадалари сони 18 тадан 22 тага етказилади. Бунда нуфузли халқаро олимпиадада олтин медаль олган ўқувчига 170 миллион сўм, кумуш медалга 102 миллион сўм, бронза медаль учун 68 миллион сўм мукофот пули берилади.

Шу билан бирга, ана шу ўқувчиларнинг ўқитувчилари 50 миллиондан 150 миллион сўмгача мукофотланиб, уларга бир йилда 100 фоизлик устама олиш имкони яратилади. Илк бор халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқувчилар жамоаси раҳбарларини ҳам рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Президент педагогика йўналишида таҳсил олаётган иқтидорли талабалар учун Абдулла Авлоний номидаги стипендияни ташкил этиш ташаббусини билдирди.

Еттинчи йўналишда таълимнинг ажралмас қисми бўлган тарбия ва одоб-ахлоқ масалаларига эътибор қаратилди. Шу мақсадда Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти янгидан ташкил этилди.

Ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантириш, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар учун тарбияга оид рақамли контентлар яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, бу борада театр ва кино санъатидан фойдаланиш, ёшлар ижодини қўллаб-қувватлаш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, китобхонликни янада кенгайтириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Учрашув очиқ мулоқот тарзида давом этди. Бу ерга йиғилган ва ҳудудлар орқали боғланган педагоглар фикр ва таклифларини айтди. Президентимиз уларни қўллаб-қувватлаб, таклифларини амалга ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

1

Қонун асосида креатив иқтисодиёт учун зарур инфратузилма яратиш ва қўллаб-қувватлаш механизмлари, хусусан, креатив индустриялар парки ва кластерлари, рақамли платформалар, арт-резиденциялар, креатив индустрия марказлари, инновацион ускуналар ва технологиялар, рақамли дастурлар ва платформалар яратилиши ҳамда креатив индустриялар паркининг вазифалари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қонун асосида ички ва ташқи бозорларда креатив индустрия соҳаларидаги лойиҳаларни яратиш, ишлаб чиқариш ва илгари суриш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил этилиши ҳамда ушбу жамғармалар маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари белгиланмоқда.

Креатив индустрияларнинг республика иқтисодиётига ҳиссасини аниқлаш мақсадида статистик кўрсаткичларни шакллантириш ҳамда креатив иқтисодиётни ривожлантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳисобга олиш, маданий меросни асраш қонун даражасида белгиланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Глобал инновациялар индексидаги ўрнини оширишга, креатив индустрия соҳасидаги инновацион ғоялар ва лойиҳаларни ривожлантиришга, маданият ва меросни оммалаштириш, халқаро ва ички туризмни ривожлантиришга қаратилган креатив маҳсулотлар ва хизматларни сотиш учун шароитлар яратишга хизмат қилади.

Сенаторлар ушбу қонуннинг долзарблиги ва зарурлигини эътиборга олиб, уни маъқуллади.

Шунингдек, ялпи мажлисда сенаторлар “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилди.

Қонун билан қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, кооператив аъзолигига қабул қилиш, назорат қилиш, ташқи аудит, бошқариш, қайта ташкил этиш ва тугатиш борасидаги, шунингдек, давлат ва кооперативлар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда.

Кооператив қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошириш учун пай усулига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган мустақил тижорат ташкилоти эканлиги қонунан белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги кооперативи камида етти нафар жисмоний ва (ёки) юридик шахслардан иборат таркибда ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Қонунда қишлоқ хўжалиги кооперативининг бошқарув органлари, жумладан, умумий йиғилиш, кооператив бошқаруви, кузатув кенгашининг аниқ вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзоликка кириш ва ундан чиқиш, кооператив аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ҳисобини юритиш, пай бадалларини тўлаш билан боғлиқ нормалар ҳужжатда ўз аксини топган.

Бундан ташқари, кооперативларга қишлоқ хўжалиги соҳасида хизматлар кўрсатиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, шунингдек, қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қонунда давлат томонидан аграр-иқтисодий сиёсат ёрдамида кооперативлар фаолияти учун қулай муҳитни таъминлаш, уларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчи мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилаётган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, банк кредитларидан ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланишда кўмаклашиш назарда тутилган. Кооперативларни иқтисодий, социал, ҳудудий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Қонуннинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди, ўз ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, уларни профессионал ва демократик йўл билан бошқариш ҳамда қишлоқ хўжалигида муваффақиятли фаолият юритиш имконини беради.

Шу билан бирга, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ривожланиб келаётган замонавий кооперативлар фаолияти тартибга солинади ҳамда уларнинг ҳуқуқий кафолати яратилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Қонунда темир йўл транспорти тизими замонавий бозор модели талабларига мувофиқ акс эттирилмоқда.

Мазкур ҳужжат транспорт соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароит яратиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва темир йўл транспорти ташувлари соҳасида халқаро ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган.

Қонунда “темир йўл транспорти” тушунчаси қайта кўриб чиқилиб, янги таҳрирда баён этилмоқда. Бунда республиканинг темир йўл транспорти умумий фойдаланишдаги ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспортига ажратилмоқда.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл инфратузилмасидан фойдаланиш тартиби ва инфратузилма оператори фаолияти тартибга солинмоқда ҳамда ташувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланмоқда.

Қонун билан темир йўл транспортида бозор тамойиллари асосида эркин шакллантириладиган тарифлар аниқ белгиланаётган бўлиб, унга кўра юк вагонларини тақдим этиш, юқори тезликда ҳаракатланадиган ва тезюрар поездларда йўловчиларни ташиш хизматлари тарифларини давлат томонидан тартибга солиш амалиётидан воз кечилиб, бозор тамойиллари асосида тартибга солиш механизми жорий этилмоқда.

Нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган маҳаллий йўналишларда йўловчиларни ташиш хизматларини (юқори тезликда ҳаракатланадиган ва тезюрар поездларда йўловчиларни ташишдан ташқари) кўрсатишдан кўрилган зарарларни Давлат бюджети ҳисобидан компенсация қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Темир йўл инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилишнинг аниқ йўналишлари қонунда белгиланиб, умумий фойдаланишдаги ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар ҳамда вокзалларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш манбалари аниқ қайд этилмоқда.

Қонун билан темир йўлда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари яратилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси, Транспорт вазирлиги ва Транспорт инспекцияси ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Қонун соҳада рақобат муҳитини яратиш, фуқароларнинг темир йўл транспортида ҳаракатланишида сифат даражасини ошириш, йўловчи ва юкларни хавфсиз ташишга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш ва темир йўл транспорти ташувлари соҳасида халқаро ҳамкорликни такомиллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, Сенатнинг эллик саккизинчи ялпи мажлисида “Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2023 йил 14 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг самарали олиб борилиши, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланмоқда.

Ёшларни ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, очиқ ва сифатли таълим олиши, ижодий, интеллектуал ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Таъкидланганидек, мазкур Битимни қабул қилиш ташаббуси 2022 йил 21 июлда Чўлпон-отада ўтказилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг IV Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган.

Қонунда ёшлар иштирокида оммавий тадбирлар, лойиҳалар, ёшлар лагерлари, давлатлараро ёшлар акциялари, семинарлар, мунозара клублари, давра суҳбатлари, ёшлар форумлари ва минтақадаги ёшлар сиёсатининг долзарб масалаларига бағишланган конференцияларни ташкил этишга кўмаклашиш каби масалалар назарда тутилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши Марказий Осиё давлатларининг ёшлар сиёсати соҳасида шериклик муносабатларини ривожлантиришга имкониятлар яратади ҳамда минтақадаги ёшлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда жамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 6 та масала, шу жумладан, 5 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенати**
**Ахборот хизмати.**

# БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ ҲАР БИР ИНСОН, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШАМИЗ

O'ZLIDEP

*Бугун Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий майдонда етакчи куч сифатида ўзини тўла-тўкис намоён этиб келмоқда. Партия ўзининг **“Ваъда эмас — натижа, эртага эмас — бугун”** эзгу шиорини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда кечаётган изчил ва ҳаётий ислоҳотларни давом эттириш маъносида кўрмоқда.*

*Бинобарин, партия мамлакатимизда изчил ислоҳотларнинг бош мақсади инсонга, унинг эркин ҳаёти, қадр-қиммати ва фаровонлигига қаратилганлигини эътироф этади ва бу курашда доим собитқадам эканини эълон қилади. Ўзбекистонда қулай инвестиция ва бизнес муҳитини яратиш, саноатнинг юқори тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, саноатнинг рақобатдош индекслари бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан ўрин эгаллашига кўмаклашиш партиянинг эзгу мақсадлари ҳисобланади.*

*Шу маънода, партия халқ фаровонлиги учун **5 мақсад ва 500 вазифа**ни ўз ичига олган Сайловолди дастурини ишлаб чиқди. Дастурдаги биринчи мақсад — **Барқарор иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон, оила ва жамият фаровонлигига эришиш бўлиб, бу партиянинг асосий ғояларидан биридир**.*

*Тадбиркорлик оддий ёки тор маънодаги тушунча эмас. Унинг замирида ривожланиш, тараққиёт ва одамларнинг эртанги кунга интилиши мужассам. Қолаверса, тадбиркорлик жамият ҳаёти, давлат манфаатларини мужассамлаштирган, инсон эркинлиги ва ҳаётий мақсадлари рўёби йўлидаги салмоқли куч-қудратдир. Шундай салоҳиятга эгаки, у ҳаракатланса, шиддат олса, юртни ҳам, одамларни ҳам, давлат иқтисодиётини ҳам юқори босқичга, истиқбол ва ёрқин йўлларга олиб чиқади. Бугун юртимизда тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун қулай бизнес муҳити яратилгани, барча муаммолари ҳал этилаётгани туфайли соҳада сезиларли натижалар қайд этилмоқда.*

*Ўзбекистоннинг дунёнинг даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши асосий мақсадимиз экан, бу ҳам, аввало, тадбиркорларга қулай имконият, эркинлик, қулай бизнес муҳити яратиш орқали амалга оширилади. O'zLiDeP бу борадаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш юрт истиқболи учун энг мақбул йўл, деб ҳисоблайди.*

*Биз 2030 йилга бориб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини **160 миллиард доллар**га, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни эса **4 минг доллар**га етказишни мақсад қилганмиз. Партиямиз Сайловолди дастурида бу вазифа қатъий белгилаб қўйилгани эса ҳаммамизга жуда катта масъулият юклайди.*

*Ўзбекистонни тадбиркорлар мамлакатига айлантирамиз. Энг муҳими, биз ҳақиқий фидойи, юрагида ўти бор, элни, юртни ўйлайдиган тадбиркорлар тарафидамиз. Уларни қўллаб-қувватлашдан ҳеч қачон чекинмаймиз. **Тадбиркорлар сафини 3 миллион нафардан ошириш** учун барча зарур чорани кўрамиз. Фақат самарали меҳнат, ақл-идрок ва садоқат билан ўзимиз кўзлаган марраларга етишимизга ишонамиз. O'zLiDeP бу йўлда доим собитқадамдир.*

## Барқарор иш жойларини яратиб, камбағалликни қисқартирамиз

Кейинги йилларда камбағалликни қисқартириш, аҳолини кичик ва хусусий бизнесга кенг жалб этиш, шу орқали даромадини ошириш, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу маънода, юртимизда камбағаллик кўламини **икки карра камайтириш**, энг аввало, аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг **маҳаллабай дастурларини** ишлаб чиқиш O'zLiDeP Сайловолди дастурида асосий масала сифатида белгиланган.

Ушбу дастурларни ҳаётий ва халқчил тарзда тайёрлашда O'zLiDeP **“маҳалла еттилиги”** билан ишларни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратади. Мақсадимиз ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва умумий бандликни оширишга ҳисса қўшишдан иборатдир. Зотан, кичик ва ўрта бизнес ривожи аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартиришга кўмак беради.

Янгиланган Конституциямизнинг **43-моддасида** давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши белгиланган бўлиб, шунга асосан партиямиз ўз Сайловолди дастурида туман, шаҳар, маҳаллаларнинг алоҳида **мастер-режалар**ини ишлаб чиқишни, **тадбиркорлик оммавий тус олишига эришиш**ни ўз вазифаси, деб билади.

Ишсизликнинг паст даражасига эришиш учун касб-ҳунарга ўқитиш кўлами ҳар йили икки бараварга оширилиб, беш йилда камида **1 миллион фуқаро бозори чаққон касбларга ўргатилади**. Албатта, бунда ҳар бир туман ва шаҳарда **мономарказлар** ташкил этилади. Партиямиз бу муҳим ва камбағалликни қисқартиришда энг мақбул усулни қатъий амалга оширади. Бу йўлда учрайдиган ғов ва тўсиқларни енгиб ўтишда фидойилик кўрсатади.

Мактаб битирувчиларига давлат томонидан камида бир касбни пухта эгаллаши учун кўмаклашувчи тизимни жорий этамиз. Бундан ташқари, **оилавий тадбиркорлик дастурлари** доирасида **имтиёзли кредит ҳажмларини ҳар йили 30 фоизга ошириб бориш**ни таклиф қиламиз.

Партиянинг Сайловолди дастуридан ўрин олган вазифалардан яна бири **ижтимоий тадбиркорлик**ни рағбатлантиришдир. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлаб келаётган тадбиркорларга мол-мулк ва ер солиғидан имтиёзлар беришни таклиф этамиз. Оғир вазиятга тушиб қолган фуқаролар учун **кредит таътиллари** бериш тизимини жорий қиламиз. **Хусусий бандлик агентликлари** тизимини ривожлантириб, янги фойдаланишга киритиладиган ерларни эҳтиёжманд аҳолига бўлиб бериш ишларини давом эттириш тарафдоримиз.

Кредит ресурслари таннархини пасайтириш орқали **кредит фоизларини 3-4 бандга** камайтириш чораларини кўрамиз. Йиллик кредитлаш ҳажмини **40 миллиард долларга** етказиш, иқтисодиётга кредит қўйилмаларининг **ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини ошириб,** омонатлар ҳажмини **4 баробар** кўпайтирамиз.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иқтисодий масалалар ҳам партия диққат марказида. Такси ҳайдовчиларидан **такси компаниялар (электрон такси хизматлари) фойдасига ушланадиган комиссия ставкалари миқдорларини тартибга солиш зарур, деб ҳисоблаймиз**. Партия ташаббуси уларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга ва даромадларини оширишга хизмат қилади.

## Содда, қулай ва шаффоф бизнес муҳитини яратамиз

Иқтисодиётда **давлат иштирокини кескин қисқартириш**, давлат мулкини хусусийлаштириш, хусусий сектор улушини ошириш, монопол соҳаларни бозор тамойилларига ўтказиш асосий мақсадларимиздан бири бўлиб келган. Партия тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай усулда аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни, **хусусий мулк дахлсизлигини** бузиш, қонуний талабларга риоя этмаган ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш, мол-мулкка зарар етказиш учун **жиноий жавобгарликка тортиш масаласини** таклиф этади.

Албатта, тадбиркорлик қонун доирасида ва унинг талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак. Шу билан бирга, тадбиркорликнинг барқарор ривожи учун айрим ҳуқуқбузарликларни декриминализация қилиш ҳам муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан, биз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ **жиноят турларини камайтириш**, мазкур соҳани янада либераллаштириш тарафдоримиз.

Партия Сайловолди дастурида сув хўжалиги, экология, энергетика соҳаларида **давлат-хусусий шериклик** лойиҳалари амалга оширилишини кенгайтиришни илгари суради. **Йўл қурилиши, газ ва электр** етказиб бериш соҳаларига хусусий бизнесни кенг жалб этиш ташаббуси билан чиқамиз.

Келгуси 5 йилда иқтисодиётда нодавлат сектор улушини **85 фоизга** етказиш бўйича барча зарурий чораларни кўрамиз. Давлат улуши мавжуд корхоналар сонини **6 баробарга** камайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

***Бизнес юритишни** янада **соддалаштириш, 1000 га** яқин бюрократик талабларни бекор қилиш чораларини кўрамиз. Лицензиялар сонини **икки бараварга** камайтирамиз, лицензия бекор бўладиган **60 та** фаолият учун **хабардор қилиш** тизимини жорий этамиз.*

O'zLiDeP ўз ташаббусларида “яширин иқтисодиёт” иллати билан **бизнесга тўсиқ яратмайдиган воситалар орқали** муросасиз курашишни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Партия самарасиз корхоналар давлатдан қўшимча ёрдам олмасдан, хусусий сектор каби **“ўз аравасини ўзи тортиши”** тарафдори экани ҳам миллий иқтисодиётда соғлом бозор муносабатларини шакллантиришга туртки бўлади.

*Партия томонидан “**Капитал бозорини ривожлантириш тўғрисида”ги қонунни** ишлаб чиқиш, **криптоактивлар бозорини ривожлантириш ва соҳадаги қонунчиликни либераллаштириш, хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини** ташкил этиш бўйича билдирилган таклифлар Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.*

Давлат харидларида шаффофликни ошириш ва унда кичик бизнес иштирокини янада кенгайтириш мақсадида **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги қонунни такомиллаштиришда фаол иштирок этамиз.

## Барқарор, содда ва адолатли солиқ сиёсати тарафдоримиз

Биз солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш, **барча тадбиркорлар учун** солиқни тўлаш борасида **адолатли** ва **тенг шароитлар** яратиш, солиқ **ставкаларининг ўзгармаслигини** таъминловчи сиёсат юритилиши йўналишида иш олиб борамиз.

Шу жиҳатдан **айланмадан олинадиган солиқ** тўловчилар учун товарларни реализация қилишдан олинган жами даромад миқдори чегарасини **БҲМнинг 5 минг** баробари даражасида белгилашни таклиф этамиз.

*Солиқ ҳисоботларини топширишда ҳозирга қадар баъзи жойларда “сендан угина, мендан бугина” қабилидаги ҳолатлар учраб турибди. Ҳисобот даври келганда тадбиркорларнинг юраги безиллайди. Шунинг учун биз бу иллатларга қарши кескин курашиб, **солиқ ҳисоботида инсон омили таъсирини кескин камайтириш** чораларини кўрамиз.*

Партиямиз Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлардаги тадбиркорлик субъектининг ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиши учун айрим талабларни бекор қилишни таклиф этади. Хусусан, **онлайн назорат касса** машиналарининг дастурий таъминоти давлат томонидан юритилишини жорий этиш орқали тадбиркорлар улардан фойдалангани учун ундириладиган **ҳар ойлик тўловни мақбуллаштириш** тарафдоримиз. Бу солиқ идоралари ва тадбиркор ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсир ўтказади.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, одамларимизда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, кичик бўлса-да, ўз бизнесини йўлга қўйган ҳолда моддий фаровонликка эришишига кўмаклашиш асосий мақсадларимиздан биридир.

Ана шундай тараққийпарвар ислоҳотларга урғу берилаётган бир пайтда айрим сиёсий партиялар, аниқроғи, Халқ демократик партияси ўзининг асосланмаган қарашлари ва ғоялари билан омма эътиборини ўзига қаратишга уринмоқда. Масалан, улар **даромад ва уларнинг манбаларидан қатъи назар, бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизимини жорий қилиш** ташаббуси билан чиқмоқда.

ХДПнинг мазкур таклифи “яширин иқтисодиёт”нинг ривожланишига, коррупциявий ҳолатларга, ноқонуний йўллар орқали пулларни ювиш авж олишига сабаб бўлишини англаш учун унчалик чуқур билим шарт эмас. Бундай жиддий масалаларда юзаки ёндашиб бўлмайди.

Мавзунинг давоми сифатида яна бир партиянинг солиқ сиёсати борасида илгари сураётган таклифи ўринсиз эканини таъкидлаш жоиз. “Адолат” социал-демократик партияси **“солиқлар ва бошқа қайта тақсимлаш воситалари орқали аҳоли даромадларини тенглаштириш сиёсатини юритиш”** ғоясини илгари сурмоқда. Очиғини айтганда, таҳлил этмасдан, қабул қилинган ташаббус фуқаролар ва тадбиркорларимизнинг иштиёқини сўндиради. “Қанча кўп меҳнат қилсам ҳам, ҳаракатда бўлсам ҳам, имкониятларим кенгаймас экан” деган умидсизликни пайдо қилади. Зотан, кўп даромад олган шахсларни кўп даромад олгани учун солиқлар орқали “жазолаш” ёки жамиятдаги ижтимоий юкни уларнинг зиммасига юклаш адолатсизликдир.




## Саноат тармоқларини ривожлантирамиз

Юртимизда илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Эндиликда биз саноат маҳсулотлари ҳажмини **1,4 бараварга**, меҳнат унумдорлигини **икки баравар ошириш**, **115 миллиард долларлик** йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича зарур чораларни белгилаймиз. Саноатда таннархни камайтириш сиёсатини юритамиз.

Мамлакатда саноат қанча тараққий этса, иш ўрни кўпаяди, аҳолининг оилавий бюджети мустаҳкамланади, камбағаллик чекинади. Бунинг учун бизда имкониятлар жуда кенг ва ундан унумли фойдаланиш учун барча куч ва салоҳиятни ишга солишга киришамиз. Саноатда қўшилган қиймат ҳажмини **45 миллиард** долларга етказиш ва **2,5 миллионта** юқори даромадли иш ўрнини яратиш учун астойдил иш олиб борамиз.

Кичик саноат зоналарида инвестиция мажбуриятини бажарган тадбиркорларимизга **ер участкаларини хусусийлаштириш**га рухсат беришнинг қонуний асосларини яратамиз. Салоҳиятли тадбиркорларга кичик ва ёшлар саноат зоналаридан 10 йилгача бўлиб тўлаш имтиёзи билан ер ажратилиши тарафдоримиз.

*Партиямизнинг мақсадларидан бири — Ўзбекистонда **автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 1 миллион донага етказиш**дир. Бу ташаббус электоратимиз талабларига жавоб беради ва иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, мамлакатимизни **минтақавий “тўқимачилик хаби”**га айлантириш мақсадида тўқимачилик соҳасидаги тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак берамиз.*

Саноатни ривожлантиришда **рақамли иқтисодиёт** соҳаси муҳим роль ўйнайди. Шу боис рақамли иқтисодиётнинг тараққий этишига ҳуқуқий ва молиявий шароитларни яратишга оид **дастурлар** қабул қилинишини таклиф этамиз.

Шунингдек, партиямиз **“чип саноати”, сунъий интеллект** ва **нанотехнология**ларни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилган. Биз сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, рақамли маълумотларни қайта ишлашнинг тамойиллари, стандартлари ва қоидаларини белгилашга алоҳида эътибор қаратамиз.

## Туризм — мамлакат иқтисодиётининг драйвери

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа. У даромадлилиги бўйича дунёда юқори ўринларда туради. Яна бир муҳим томони, кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради. Шу боис партиянинг Сайловолди дастурида ҳам иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг асосий ва истиқболли таянч нуқтасидан бири сифатида туризм соҳасини тизимли ривожлантириш таклиф этилмоқда.

Бу борада Ватанимизнинг бой маданияти ва туристик салоҳиятини жаҳонга тарғиб қилиш, эришилган ютуқлар, халқаро эътироф ва совринлар, яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар хорижий сайёҳларни, халқаро ташкилотларни беэътибор қолдираётгани йўқ.

Жаҳон туризм ташкилоти **(UNWTO) Бош ассамблеясининг** 2023 йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган **25-сессиясида** Навоий вилоятидаги Сентоб қишлоғи **“Best Tourism Village 2023 Awards”** номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Бундан ташқари мамлакатимиз **“Lonely Planet”** халқаро нашриёт компанияси томонидан 2024 йил учун **“Ўзбекистон — энг яхши саёҳат маскани”** номинацияси ғолиби бўлди.

Ишончимиз комилки, мазкур ижобий натижа ва эътирофлар, хорижда ҳеч кимни бефарқ қолдирмасдан, мамлакатимизга сайёҳлар оқими ва валюта тушумларини кўпайтириш, пировардида иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш имконини беради.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг мавжуд туризм салоҳияти бундан-да юқори иқтисодий ривожланиш потенциалига эга. Аммо бизда ҳали туризмни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олинаётгани йўқ. Келаётган сайёҳларга қулай шарт-шароит яратишда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Бу эса тадбиркорлардан соҳани ривожлантириш бўйича тизимли изланиш ва оқилона ечимлар ишлаб чиқишни талаб этади.

**Янги Ўзбекистонда сайёҳлик индустрияси кенгайиши** учун ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ҳудудларнинг туризм мастер-режаларини ишлаб чиқамиз. Агротуризм имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида **“Агротуризм — 2030”** стратегиясини ишлаб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Қорақалпоғистон Республикаси ва Оролбўйида **экотуризмни ривожлантириш** бўйича алоҳида дастур қабул қилинишига кўмаклашамиз.

Бундан ташқари, туризмни ривожлантириш учун инфратузилмани ривожлантириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада давлат-хусусий шериклиги асосида **транспорт, йўл қурилиши, сув хўжалиги** каби устувор соҳаларга **14 миллиард доллар** инвестиция жалб этишга ҳар томонлама кўмаклашилади.

Йирик аэропортлар модернизация қилиниши, **хусусий авиакомпаниялар** сони янада кўпайиши бўйича чоралар кўрилади.

Интернет инфратузилмаси ҳам алоҳида эътиборимизда бўлади. Қишлоқ ва овулларни **интернет** билан **тўлиқ қамраб олиб**, унинг тезлигини 10 карра оширамиз.

## Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаймиз ва аграр соҳани ривожлантирамиз

Бугун ҳаёт олдимизга қўяётган улкан масалалардан бири **озиқ-овқат хавфсизлиги**га эришишдир. Бу масаланинг долзарблиги шундаки, бугун бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам сув танқислиги, экологик беқарорлик, чўлланиш, деградация ва глобал исиш каби омиллар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга салбий таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти.

Айниқса, сув танқислиги, қурғоқчилик, иқлим ўзгаришлари фермер ва деҳқонларни қийин аҳволга солиб қўймоқда. O'zLiDeP янги Сайловолди дастурида озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш йўлидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан олинадиган ўртача даромадни ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Шу боис 1 гектар ердан олинадиган даромадни **5 минг долларга етказишни** таъминлаш муҳим вазифамиздир.

Фойдаланилмаётган майдонларни ўзлаштириш ҳисобига **300 минг гектарда** интенсив боғ ва узумзорлар барпо этсак, бу ҳам яхшигина даромад келтиради. Маҳсулотни қайта ишлаш ва экспортга чиқариш имконияти ҳам янада ошади. Бунда маҳсулотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичини қамраб олган агрологистика марказлари жуда муҳим. Шуни эътиборга олган ҳолда, **2,5 миллион тонна** қувватга эга **100 та агрологистика марказини ташкил этиш** бўйича ҳам иш олиб борамиз. Партиямиз органик маҳсулот етиштираётган фермер хўжаликларига солиқ имтиёзлари жорий этиш таклифини илгари сурмоқда. Бу ҳар жиҳатдан тўғри ва адолатли бўлади.

Тадбиркорлар ҳаётини кузатиб шу жиҳатга эътибор қаратдикки, **улар учун “Агросаноат кластерлари тўғрисида”ги** қонунни ишлаб чиқишга эҳтиёж мавжуд ва биз бу борада қатъий иш олиб борамиз.

**Деҳқон хўжаликлари** ўртасида **кооперация** алоқаларини ривожлантиришнинг **ҳуқуқий асосларини яратамиз.**

Фермер ва деҳқонларга **имтиёзли кредитларни** ажратиш, уларни **қайтариш муддатларини мавсумийликдан** келиб чиққан ҳолда белгилашни таклиф қиламиз.

*Биз қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришларига мос ҳолда ривожлантириш, тупроқ ва яйловлар деградациясининг олдини олиш юзасидан **Миллий дастур қабул қилиниши** тарафдоримиз. **Хориждан** серҳосил, касалликларга чидамли ўсимлик уруғлари, кўчатлари **олиб кирилиши йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш** чораларини кўрамиз.*

*Соҳага **15 миллиард доллар** инвестициялар жалб этишни таъминлаш ташаббусини амалга оширишга кўмаклашамиз.*

**Фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда** Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг **имкониятларини кенгайтиришни** таклиф этамиз.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ҳақиқий **бозор активига** айлантириш, **ижара ҳуқуқини** бўлиб сотиш, ундан **гаров предмети** сифатида фойдаланиш учун қонуний базани янада такомиллаштириш таклифи илгари сурилмоқда.

Ер масаласида ҳар қандай қарор қабул қилишдан олдин, “етти ўлчаб бир кесиш” зарур. Чунки ер — чекланган ресурс. Унинг ҳар бир қаричидан унумли ва самарали фойдаланиш бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Бунга боғлиқ масалаларга юзаки ёндашиш ортиқча хатарларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Экологик партиясининг Сайловолди дастуридаги бир таклиф шу жиҳатдан етарли даражада асосланмаганлигини кўрсатади. Уларнинг фикрича, **“экин майдонига айлантириш имконияти бўлмаган чўл ҳудудлардаги самарасиз ерларни ўзлаштириш тақиқланиши керак”.** Бу ёндашув замонавий иқтисодий ва технологик имкониятларни инкор қилади.

Аслида, чўл ҳудудларини ўзлаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятлари бугунги кунда тобора ўсиб бормоқда. Кўплаб хорижий мамлакатларда чўл ҳудудларида қуёш электр станциялари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган технологиялар асосида агрофирмалар яратиш бўйича юқори самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Самарасиз деб ҳисобланган ерлар ҳам замонавий ёндашувлар орқали иқтисодий манфаат келтириши мумкин.

Шу сабабли, Экологик партиянинг ушбу таклифига ердан фойдаланиш масаласида тақиқларни эмас, инновацион ечимларни жорий қилиш кўпроқ самара беради, деб муносабат билдирамиз.

## Экспорт салоҳиятини янада юксалтирамиз

Бугун Ўзбекистон инвесторлар эркин ва тўлақонли фаолият олиб бораётган мамлакат сифатида дунёга танилмоқда. Шу маънода, юртимизга хорижий инвестицияларни киритиш ҳажми ошиб бормоқда. Тадбиркорларимиз томонидан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳам муттасил ўсиб, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

*Партиямиз давлатимиз томонидан бу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, уни тизимли асосда давом эттириб, экспорт ҳажмини **45 миллиард долларга** етказиш ва экспорт географиясини кенгайтиришда фаол иш олиб боради.*

**50 та** нуфузли **хорижий бренд** билан махсус экспорт зоналари ташкил қилиниши, экспортчи тадбиркорлар учун **кредит фоиз ставкалари камайтирилиши** борасида иш олиб борилади. Ҳар бир туманда камида **мингта иш ўрни** яратадиган **2 тадан** янги саноат зоналари ташкил қилинади, IT хизматлари экспорти 5 миллиард долларга олиб чиқилади.

Рақамли технологияларга ихтисослаштирилган корхоналарнинг **экспорт фаолиятини жадаллаштириш** диққатимиз марказида бўлади.

Партиямиз янги Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги, юртимиз тараққиёти, давлатимиз раҳбари олиб бораётган ислоҳотларни ва халқимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида қатъий бел боғлаган сиёсий куч!

Ғоя ва қарашларимиз тадбиркорлар, ишбилармонлар, бутун халқимиз саъй-ҳаракатлари билан ҳамоҳанг ва уларни қўллаб-қувватлашга доим тайёрмиз!

**Абдулло АСЛОНОВ,**
**ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари,**

**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**O'zLiDeP ВА УНИНГ ДЕПУТАТЛИККА КЎРСАТГАН НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга бандлик соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ва унинг бандлигига кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни янада тартибга солиш мақсадида қонунчиликда янги нормаларни акс эттириш, шунингдек маъмурий ислоҳотлар доирасида бир қатор республика ижро этувчи ҳокимият органларини ўзгартириш ҳамда қонун ҳужжатларига ушбу органларнинг ва улар тасарруфидаги ташкилотларнинг расмий номларини аниқлаштиришга тааллуқли тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига иш қидираётган шахсларнинг меҳнат органларига ортиқча ҳужжатлар тақдим этишига йўл қўйилмаслигини, бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидиялар тақдим этиш механизми такомиллаштирилишини назарда тутувчи, шунингдек иш берувчилар томонидан маҳаллий меҳнат органларига бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни, ходимларнинг ишдан бўлғуси озод этилиши ҳақидаги ахборотни ҳар ойда электрон тарзда тақдим этиш шартларини белгиловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг номланиши аниқлаштирилмоқда, шунингдек оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахслар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифасига киритилмоқда.

Ушбу Қонун ишга жойлаштириш бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини оширишга, шу йўналишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга, иш берувчилар томонидан маҳаллий меҳнат органларига тегишли ахборотни тақдим этиш жараёнини соддалаштиришга, маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилаётган фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб этилишининг олдини олишга, шунингдек ходимларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини кучайтиришга ҳамда аҳолининг давлат органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган **«Аҳоли бандлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–642-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг**:

**тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**меҳнат органлари** – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий меҳнат органлари деб юритилади), туманларнинг (шаҳарларнинг) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари (бундан буён матнда маҳаллий меҳнат органлари деб юритилади)»;

2) **6-модданинг тўртинчи хатбошисидаги** «касб-ҳунар коллежлари» деган сўзлар «коллежлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **7-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **8-модда**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **9-модда**:

**номидаги** «**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 1**0-модда биринчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **11-модда**:

**номидаги** «**Давлат бошқаруви органларининг**» деган сўзлар «**Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ижро этувчи ҳокимият органлари»;

**иккинчи қисмидаги** «Давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **12-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «касб-ҳунар коллежлари» деган сўзлар «коллежлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **13-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда, шунингдек ходимларнинг ишдан бўлғуси озод этилиши тўғрисидаги ахборотни ҳар бир ходимни кўрсатган ҳолда, улар ишдан озод этилишидан камида икки ой олдин «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали электрон тарзда маҳаллий меҳнат органларига тақдим этиш»;

**саккизинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар иш берувчи томонидан маҳаллий меҳнат органига ҳар бир ҳисобот ойининг охиридаги ҳолатга кўра «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали электрон тарзда тақдим этилади. Бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар Бўш (вакант) иш ўринлари миллий базасига киритилади»;

10) **15-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **18-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш мезонлари жумласига қуйидагилар киради:

а) ходимларининг сони йигирма нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотни (унинг алоҳида бўлинмасини) тугатиш;

б) ходимлар сонининг (штатининг) қуйидаги миқдорда:

ўттиз календарь кун ичида эллик нафар ва ундан ортиқ ходимнинг;

олтмиш календарь кун ичида икки юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг;

тўқсон календарь кун ичида беш юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг қисқариши»;

12) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Субсидия бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун вазирликлар ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган молиявий кўмакдир.

Субсидияларнинг турлари ва уларни тақдим этиш тартиби қонунчилик билан белгиланади»;

13) **22-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **23-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органларига» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек маҳаллий ижро ҳокимияти органлари иш ўринларини ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг дастлабки параметрлари асосида иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини ҳар йили 1 ноябрдан кечиктирмай кўриб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уни Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури лойиҳасига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборади»;

**олтинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **24-модда**:

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ссуда берилишини қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли:

ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда.

Ссуда бериш рад этилган тақдирда, ариза берувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган хабарнома бир иш куни ичида юборилади»;

**еттинчи қисми тўққизинчи қисм** деб ҳисоблансин;

16) **25-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **29-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиш маҳаллий меҳнат органининг масъул ходими томонидан амалга оширилади.

Иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органига паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этган ҳолда мурожаат қилади.

Иш қидираётган шахсларнинг иш стажи, маълумоти (мавжуд бўлган тақдирда), иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ҳамда бошқа маълумотлар маҳаллий меҳнат органи томонидан масъул давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда, шу жумладан «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади.

Иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органларига касби ёки касбий малакаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни ёки унинг кўчирма нусхасини (касби ёки касбий малакаси мавжуд бўлган тақдирда) тақдим этиши мумкин.

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи электрон сўров юбориш орқали масъул ташкилотлардан қуйидаги маълумотларни олиши мумкин:

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларидан – тавсия этилаётган меҳнатнинг хусусияти ва шароитлари тўғрисидаги хулосани (ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан);

соғлиқни сақлаш муассасаларидан – тиббий хулосаларни ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни (соғлиғининг ҳолатига кўра меҳнат фаолиятида чекловлар мавжуд бўлган шахсларга нисбатан);

жазони ижро этиш муассасаларидан – шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани (жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан);

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан – болаларининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг кўчирма нусхаларини (қарамоғида болалари бўлган шахсларга нисбатан);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан – боқимандалар мавжудлиги ҳамда қонунчиликда белгиланган нафақа ва пенсияларни олмаётганлиги тўғрисидаги маълумотномани (болаларидан ташқари бошқа боқимандалари бўлган шахсларга нисбатан).

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи мурожаат этган шахс ҳақиқатан фермер (деҳқон) хўжалиги аъзоси эканлиги тўғрисида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашидан ахборот сўраб олиши мумкин»;

18) **30-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидиялар олганда»;

19) **32-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «давлат ташкилотларига» деган сўзлардан кейин «(бундан «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг биринчи қисмида ва иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган лавозимлар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **34-модданинг иккинчи қисми** «Ташкилот» деган сўздан кейин «(бундан «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг биринчи қисмида ва иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган лавозимлар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) **36-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **37-модданинг еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **38-модданинг иккинчи қисми**:

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота ёки она (уларнинг ўрнини босувчи шахс), шунингдек кўп болали оилалардаги ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)»;

**учинчи хатбошисидаги** «касб-ҳунар коллежларини» деган сўзлар «коллежларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахслар»;

**ўнинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

24) **39-модда саккизинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота ёки она (уларнинг ўрнини босувчи шахс), шунингдек кўп болали оилалардаги ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) учун – болаларни тарбиялаш мажбуриятлари ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари»;

25) **47-модданинг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга ҳамда шахсий томорқа ер участкаларини ривожлантиришга қаратилган, қонунчиликда белгиланган тартибда бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидияларни олиш имкониятини»;

26) **48-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидия олганда»;

27) **49-модда**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнат шартномаси қуйидаги асослар бўйича бекор қилинган тақдирда, иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақи ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан икки ойга сақланиб қолиши ходимлар учун кафолатланади:

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги;

ходим иш берувчи билан бирга ишлаш учун бошқа жойга кўчишни рад этганлиги;

ходим соғлиғининг ҳолатига кўра, тиббий хулосага мувофиқ соғлиғининг ҳолати бўйича ўзига қарши кўрсатма мавжуд бўлмаган бошқа ишга ўтишни рад этганлиги ёки иш берувчида тегишли иш мавжуд эмаслиги;

технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ўзгариши сабабли ташкилот ходимларининг сони ёки штати ўзгарганлиги, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажми қисқарганлиги;

ташкилотнинг (унинг алоҳида бўлинмасининг) ўз таъсисчилари (иштирокчилари) қарорига кўра тугатилганлиги ёхуд таъсис ҳужжатлари билан шунга ваколатли бўлган юридик шахс органининг қарорига кўра тугатилганлиги;

бажараётган ишига малакаси етарли эмаслиги оқибатида нолойиқ эканлиги;

шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тиклангани;

суднинг ташкилотни тугатиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирганлиги»;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташкилотлардан ишдан бўшатилган ҳамда маҳаллий меҳнат органининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга доир харажатларни компенсация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан иш берувчига ҳар бир ходим учун олти ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача миқдорда субсидия ажратилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ходимнинг касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхасинииш берувчи ўқув курси якунланганидан кейин беш иш куни ичида маҳаллий меҳнат органига тақдим этмаган ҳолларда, маҳаллий меҳнат органи ходимни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва унинг малакасини оширишга доир харажатларнинг ўрнини қоплаш учун ажратилган ҳамда иш берувчи ташкилотга тўлаб берилган субсидияларни қайтариш чораларини кўради»;

**еттинчи** ва **саккизинчи қисмлари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўққизинчи қисмидаги** «Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгаришига олиб келган иш ҳажмлари қисқарганлиги» деган сўзлар «Технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ўзгариши сабабли ташкилот ходимларининг сони ёки штати ўзгарганлиги, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажми қисқарганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **55-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидия олганда»;

29) **59-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) **60-модданинг**:

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) **61-модданинг**:

**биринчи – тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун камида икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга муддатли меҳнат шартномалари тузилади. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича ҳудудий дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда, жамоат ишларида иштирок этиш учун ўн бир ойгача муддатга меҳнат шартномалари тузилиши мумкин.

Бюджет ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шу жумладан жамоатчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича), шунингдек кўп квартирали уйлардаги уй-жой мулкдорларининг ширкатлари томонидан (туташ ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва сақлаш бўйича) ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида маҳаллий меҳнат органининг йўлланмаларига кўра ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга оид харажатларнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади. Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши ва меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кўп бўлиши мумкин эмас ҳамда маҳаллий меҳнат органи томонидан юборилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг ўрни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан юз фоиз қопланади.

Тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан (бундан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уйлардаги уй-жой мулкдорларининг ширкатлари мустасно) ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг эллик фоизигача бўлган қисмининг ўрни иш берувчи бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган бир шахс меҳнатига тўланган ҳақнинг ўрнини Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан қоплашнинг ҳар ойлик миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдоридан ошмаслиги керак. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳар ойда ҳақ тўлаш меҳнат шартномаси асосида белгиланади.

Зарур бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш ўрнини қоплашнинг ҳар ойлик миқдорини меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг тўрт бараваригача миқдорда белгилаши мумкин»;

32) **63-модда**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «касб-ҳунар коллежлари» деган сўзлар «коллежлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

33) **64-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1, 4-бетларда).

34) **65-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

35) **72-модданинг матнидаги** «давлат бошқаруви органининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) **73-модда**:

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Стипендия ишсиз деб эътироф этилмаган шахсларга тўланмайди»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи – ўнинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Стипендия ишсиз шахсга буйруқ асосида таълим муассасасига қабул қилинган кундан эътиборан таълим муассасаси томонидан ҳисобланади ва тўланади.

Жорий ойдаги стипендия тўлови ўтган ой учун амалга оширилади.

Тўлиқ бўлмаган календарь ой учун стипендияни тўлаш чоғида стипендия мазкур стипендия тўланиши керак бўлган ушбу календарь ойдаги кунлар сонига ва тўлиқ календарь ойдаги ўқиш кунлари сонига мутаносиб миқдорда тўланади.

Тўлиқ календарь ой учун стипендия тўлови ушбу календарь ойдаги кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Бунда, агар ўқиш даври календарь ой тугагунига қадар тамомланган бўлса, стипендия таълим муассасасининг ўқишни тамомлаш ёки ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган санагача ҳисобланади ва тўланади.

Стипендияни олиш даврида ишсиз шахс касал бўлган тақдирда стипендияни ишсиз шахснинг қариндошлари (отаси, онаси, эри (хотини), вояга етган болалари) ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномага асосан ишсиз шахснинг бошқа ишончли шахслари томонидан олишга йўл қўйилади»;

37) **75-модда**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

38) **76-модда**:

**номидаги** «**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши тўғрисидаги низом ҳамда унинг фаолияти Регламенти Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири томонидан тасдиқланади»;

**еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

39) **80-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **82-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисми**:

**биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «ишончсиз ёки нотўғри» деган сўзлар «нотўғри ёки бузиб кўрсатилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг қароридан норози бўлган тақдирда ариза берувчи аккредитация қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга»;

41) **83-модданинг еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) **84-модданинг**:

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) **85-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

44) **86-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

45) **87-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган талаблар ва шартлар малакани баҳолаш маркази томонидан бузилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаси улар томонидан бажарилмаганлиги фактлари аниқланган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги малакани баҳолаш марказининг аккредитацияси амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ёхуд унинг аккредитациясини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли»;

**бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

46) **88-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, иш берувчилар бирлашмалари билан биргаликда» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, иш берувчилар бирлашмалари билан биргаликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

47) **89-модда**:

**иккинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат ва хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги танлаган ташкилотлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган буюртмасига мувофиқ»;

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

48) **90-модда**:

**биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги»;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

49) **91-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

50) **92-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

51) **93-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг**:

**бешинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўнинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

52) **94-модданинг**:

**бешинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн бешинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**йигирма биринчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**йигирма иккинчи – ўттизинчи хатбошилари** тегишинча **йигирма биринчи – йигирма тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**йигирма учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликка мувофиқ аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида бошқа турдаги субсидиялар бериш»;

**йигирма тўққизинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

53) **95-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

54) **97-модданинг**:

**номидаги** «**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

55) **98-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

56) **99-модданинг**:

**номидаги** «**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг, Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

57) **103-модданинг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

58) **104-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

59) **114-модда**:

**иккинчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

60) **117-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

61) **121-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

62) **122-модданинг учинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 сентябрь
№ ЎРҚ—967

Учрашув

## Парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштиришга келишиб олинди

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси Чжао Лецзи бошчилигидаги парламент делегацияси билан учрашув ўтказди.*

Унда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари, шунингдек, парламентлараро хамда ҳукуматлараро стратегик мулоқот тизими йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда истиқболда иқтисодиёт, инвестиция, таълим, маданият ва туризм йўналишларида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Томонлар ҳудудлараро алоқалар кенгайиб бораётганлигини қайд этиб, икки мамлакатнинг маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларни кучайтириш борасидаги вазифаларга эътибор қаратди.

Муҳокама сўнгида парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

## Юксак ҳурмат ва эътибор ифодаси

*Олий Мажлис Сенатида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган мактабгача, мактаб таълими муассасалари ходимлари, “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва бошқа юксак давлат мукофотларига эга педагоглар, узоқ йиллар тизимда фаолият юритган устозлар, таълим фидойилари ва масъуллари иштирокида учрашув ташкил қилинди.*

Олий Мажлис Сенатида



Қайд этилганидек, ушбу сана дам олиш куни сифатида қонунчиликда белгилаб қўйилган бўлиб, бу ҳам юртимизда устоз ва мураббийларга юксак ҳурмат ҳамда эҳтиром ифодасидир. Қолаверса, сўнгги даврда таълим тизимига, хусусан, ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланиб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилди.

Бугун ўқитувчи ва мураббийлар доимий эътиборда, уларнинг касбий тажрибасини ошириш чоралари кўрилмоқда ва маданий ҳордиқ чиқариши учун турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Иштирокчилар Олий Мажлис Сенати ҳамда сенаторлар иш фаолияти билан яқиндан танишди.

Юқори кайфият улашган мулоқот давомида Сенат қўмиталари раислари ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги раҳбарияти ўқитувчи ва мураббийларни касб байрами билан табриклаб, таълим тизимидаги ислоҳотлар натижасида соҳада рўй берган муҳим ўзгаришларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Мулоқот давомида педагоглар тизимдаги ижобий ўзгаришлар устоз-мураббийларнинг ўз касбига муносабати ва масъулиятини янада оширишга катта туртки бергани ва бу соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлашди.

Учрашув сўнгида иштирокчилар мактабгача ва мактаб таълими тизими соҳасига доир қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги билимларини янада бойитиш имконига ҳам эга бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# Долзарб масалалар кенг муҳокамалар марказида бўлди

*Олий Мажлис Сенатининг эллик саккизинчи ялпи мажлисида бир қатор долзарб масалалар кенг муҳокамалар марказида бўлди. Сенаторлар уларнинг айримлари ҳақида қуйидагича фикр билдиришди.*

## Муносабат

### Минтақамиз ёшларини бирлаштирувчи муҳим ҳужжат

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:**

— Бугун юртимизда ёшларга бўлган эътибор жуда юқори. Сабаби, ҳозирги инновацион шароитларда ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг очиқ ва сифатли таълим олишларини кафолатлаш, ижодий, интеллектуал, спорт ва бошқа йўналишларда салоҳиятини тўла намоён этишларига кўмаклашиш ҳамда бандлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ялпи мажлисда кўриб чиқилган "Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2023 йил 14 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан эътиборлидир.

Битим 2022 йил 21 июлда Чўлпонотада ўтказилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг IV Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббусига билан илгари сурилган бўлиб, минтақамиздаги барча давлатлар томонидан имзоланган.

У минтақамиз ёшларини бирлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу Битимда ёшлар иштирокида оммавий тадбирлар, илғор лойиҳалар, ёшлар лагерлари, давлатлараро акциялар, семинарлар, мунозара клублари, давра суҳбатлари, форумлар ва минтақадаги ёшлар сиёсатининг долзарб масалаларига бағишланган конференцияларни ташкил этишга кўмаклашиш каби масалалар назарда тутилган.

Битимнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

** ёшларни Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий, маданий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётига кенг жалб қилиш;*

** уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш;*

** баркамол ёш авлод тарбиясига доир дастурларни ишлаб чиқиш;*

** таълим муассасаларида таҳсил олувчи ёшлар ўртасида очиқ ва сифатли таълим олишни таъминлаш;*

** илғор тажриба алмашиш, илмий-инновацион ҳамкорликни кучайтириш;*

** ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун олимпия, паралимпия ҳамда миллий спорт турларини тарғиб қилиш;*

** истеъдодли ёшлар ижодий фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;*

** минтақада халқаро таълим ёшлар туризмини ривожлантиришга кўмак бериш ва ёшлар аудиторияси учун мўлжалланган туризм инфратузилмасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;*

** имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга доир чораларни кўриш;*

** тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.*

Битимда минтақа давлатлари билан ҳамкорликда ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, стартап лойиҳаларни қўллаш ва мустақил даромад топишга кўмаклашиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган бўлиб, минтақамиз ёшларининг салоҳиятини юзага чиқаришда айни муддаодир.

Сенаторлар томонидан маъқулланган "Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида"ги қонун бу борадаги фаолиятни кучайтиришда ҳуқуқий асос бўлади. Зеро, унинг мақсади қишлоқ хўжалиги кооперативларини тузиш, кооператив аъзолигига қабул қилиш, назорат қилиш, ташқи аудит, бошқариш, қайта ташкил этиш ва тугатиш борасидаги, шунингдек, давлат ва кооперативлар ўртасидаги ҳамда мулкий муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда ваколатли ёки сайланган вакил, дивиденд, захира жамғармаси, инвестициялар киритувчи кооператив аъзоси, ишончли шахс, пай бадали, пай, пай фонди, қишлоқ хўжалиги кооперативи ва унинг аъзоси, қўшимча пай бадали, қўшма қишлоқ хўжалиги кооперативи каби асосий тушунчалар мазмуни очиб берилаётганини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Яна бир янгилик сифатида кооперативнинг фирма номи ва жойлашган ерига оид норма белгиланаётганини келтириш мумкин. Унга кўра, кооператив ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ ва қисқартирилган фирма номига эга бўлади, кооперативнинг жойлашган ери унинг давлат рўйхатидан ўтказилган жойи бўйича белгиланади.

Кооператив камида етти нафар жисмоний ва (ёки) юридик шахслардан иборат таркибда, қўшма кооператив эса камида учта кооперативдан иборат таркибда ташкил этилиши мумкинлиги назарда тутилаётганлигини ҳам муҳим янгиликлардан бири сифатида келтирса бўлади.

Бу қонун қишлоқ хўжалиги кооперативига доир муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан ташқари, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришда, ўз ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги кооперативларини очишда, уларни профессионал ва демократик йўл билан бошқаришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.



Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

### Кооперативга доир тушунчалар мазмуни очиб берилмоқда

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:**

— Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг барча тармоғида тўлиқ бозор механизмларига асосланган янгича тизим яратилиб, эркин рақобат муҳити шаклланмоқда. Яратилган қулай агробизнес муҳити натижасида 830 дан ортиқ агросаноат кластерлари, 90 мингтадан зиёд фермер хўжаликлари ва 190 тадан ошиқ кооперативлар самарали фаолият олиб бораётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ ВА ИМТИЁЗЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.*

Дастлаб депутатлар томонидан "Космик фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан космик фаолиятнинг асосий принциплари, давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, соҳа учун масъул органлар, уларнинг ваколатлари ўзаро тақсимланиб, вазифалари аниқ белгилаб берилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада космик фаолиятни амалга оширишнинг асосий мақсадлари, Вазирлар Маҳкамаси, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг космик фаолият соҳасидаги ваколатлари акс эттириляпти.

Бундан ташқари, космик фазони фақат тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш, таълим ташкилотлари, шу жумладан, етакчи хорижий таълим ташкилотларида космик фаолият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, космик суратларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш орқали иқтисодиёт тармоқларида қонунбузарлик ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиш ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида ўз ифодасини топмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳаси космик соҳани тартибга солиш ва ҳуқуқий мақом берилишига ҳамда космик фаолият натижасида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни бошқаришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — ипакчилик тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, юртимизда ипакчилик тармоғини ривожлантиришга, тирик ипак қурти парвариш қилишда касаначиликни қўллаб-қувватлашга ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур тармоқда фаолият билан шуғулланишни ва юқори сифатли ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш учун солиқ имтиёзларини бериш зарурати юзага келяпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексининг вақтинчалик солиқ имтиёзлари тўғрисидаги 483-моддасига уй шароитида пилла етиштириш билан шуғулланувчи шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан, касаначилар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлар ижтимоий солиқдан озод қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Қолаверса, ипакчилик соҳасида озуқа базаси сифатида фойдаланиладиган тутзорлар билан банд бўлган ер участкалари учун ер солиғини халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига 0,1 коэффициент қўллаган ҳолда тўлаш таклиф этиляпти.

Мунозараларда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш, хусусан, тармоқда ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини кўпайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлисда, шунингдек, креатив иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Депутат Санжар Ҳамидуллаев креатив саноат тармоғи жаҳон иқтисодиётида жадал ривожланаётган янги соҳалардан бири эканини қайд этиб, бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатлари унинг ҳуқуқий асосларини takомиллаштириш, бу секторни давлат иқтисодиёти асосий йўналишларидан бирига айлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилаётганини маълум қилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур қонун лойиҳасида креатив иқтисодиёт бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг механизмлари белгиланмоқда. Шунингдек, креатив индустрияларнинг республика иқтисодиётига ҳиссасини аниқлаш мақсадида статистик кўрсаткичларни шакллантириш ҳам назарда тутиляпти.

Мажлисда депутатлар томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган қонун лойиҳаси ушбу соҳани янада тараққий эттиришга қаратилгани билан аҳамиятли эканини алоҳида таъкидланди.

# ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

## таълим сифатини юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев кеча Педагогик маҳорат миллий институтида ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилиб, мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришларга тўхталиб, таълим сифатини янги босқичга кўтариш бўйича 7 та йўналишда муҳим вазифаларни белгилаб берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мазкур ташаббусларнинг аҳамияти, ҳаётий зарурати, амалиётга татбиқ этилиши юзасидан ўз муносабатини билдиришди.*

## Акс садо

**Гулшана ХУДОЁРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори мактаб бўлса, мактабни мактаб қиладиган куч, шубҳасиз, ўқитувчидир. Шу боис мамлакатимизда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта имконият ва маблағлар йўналтирилмоқда. Хусусан, охирги йилларда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонун қабул қилингани ушбу тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уни тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш ва уни халқаро ҳамжамият билан уйғунлашган ҳолда олиб боришга кенг имкониятлар яратди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот давомида таълим соҳасидаги ўзгаришлар билан бирга, айрим масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, Абдулла Авлоний номидаги институт педагогларда касб маҳоратини оширишга масъул бўлиши, институтнинг 12 та ҳудудий марказини замонавий қиёфага келтириш ва жиҳозлаш учун яқин 3 йилда бюджетдан ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Бу жараёнда малака оширишда вазирлик — малака ошириш маркази — мактаб ва боғчани боғлайдиган вертикал тизим йўлга қўйилиши айни муддао бўлди, деб ўйлайман. Жойларда таянч мактаблари ва боғчалар танлаб олиниб, ёш педагоглар учун "Касбий ривожланиш куни" ва "Касбий ривожланиш соати" ташкил этилиши, шубҳасиз, ўқитувчиларнинг ўз устида мунтазам ишлаши, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишига замин яратади.

Биламизки, сўнгги йилларда иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнига илғор технологиялар, услублар ва хориж тажрибасини кенг жорий этиш, уларни ўқитиш ва тарбиялашда яхлит тизим яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган мактаблар ташкил қилинди ва бу тизим тез орада ўзини тўла оқлади. Фикримиз исботини қисқа фурсат ичида унинг кўплаб ўқувчилари дунёнинг нуфузли олимпиадаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тарихий мулоқотда ушбу мактаблар тажрибаси оммалаштирилиши, бу йўналишда кўплаб умумтаълим муассасаларида Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблардаги баҳолаш тизимини жорий қилиш бошлангани қайд этилди. Шунингдек, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим ва малака ошириш тизимида эса ягона узвий занжирни йўлга қўйиш учун педагогик таълим кластерлари ташкил қилинади. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга, пировардида ҳар томонлама етук, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялашда мутлақо ноёб тизим бўлади.

Очиқ мулоқотда кўтарилган долзарб масалалар, билдирилган ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ушбу йўналишдаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратамиз.

**Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Мамлакатимизда ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланади, бу кунда нафақат педагоглар, балки барча соҳадаги устозларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Бу бежиз эмас. Чунки устоз ва мураббийларнинг фарзандларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашдаги, уларни тўғри фикрлаш, мураккаб вазиятларда қатъий иродага, мустаҳкам позицияга илм ва тажриба йўли орқали эга бўлишларини таъминлашдаги ҳиссаси беқиёсдир.

Шу маънода айтганда, сўнгги йилларда юртимизда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, Президентимиз ташаббуси билан ўқитувчилик касбининг нуфузи ва обрўсини юксалтириш йўлида тизимли ислоҳотлар олиб борилди. Ўқитувчиларнинг ойлик маошлари мунтасил оширилиб, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган даврда муаллимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 баробарга кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари тарихий мулоқот чоғида муаллимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш давом эттирилишини алоҳида урғулади. Бу борада муҳим вазифалар белгилаб берилди. Масалан, келгуси ўқув йилидан бошлаб, халқаро стандартлар асосида малака сертификатини бериш йўлга қўйилади ва юқори балл олган педагоглар қўшимча устама олади.

Қолаверса, педагогларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соҳага оид танловларни ўтказиш, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, фидойи, жонкуяр, билимдон ўқитувчиларни эъзозлаш, улар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида эзгу мақсадлар илгари сурилдики, буларнинг барчаси зиё улашувчи касб эгалари меҳнатини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, ушбу соҳа ривожига бўлган ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатдан ўзгартиришга, ўқитувчилар таркибини яхшилашга хизмат қилади.

**Абдумалик АКРАМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш, соғлом, юксак маънавиятли ёшларни вояга етказиш, ўқувчиларда эркин, танқидий ва креатив фикрлашни, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унда педагоглар ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий кафолатлари, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари белгиланди.

Бундан ташқари, педагогнинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимояси остида бўлиши қатъий белгилаб қўйилди.

Соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот чоғида таълим сифатини янги босқичга кўтариш борасида юртимизда аҳоли ўсишидан келиб чиқиб, мактаб ва боғчаларда қўшимча ўринлар яратилишини муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берди.

Сир эмаски, бугун мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча соҳада айнан уларнинг ҳиссаси билан кўзланган мақсадларга эришилаётир. Шу маънода айтганда, айнан хусусий сектор орқали ўқувчи ўринларини кўпайтириш учун мактаб очадиган тадбиркорларга имтиёзли кредит ажратилиши назарда тутилгани эътиборга молик жиҳатдир.

Илгари сурилган ташаббуслардан яна бири — таълимда сифат ва рақобатни таъминлаш учун рақамлаштириш даражасини ошириш масаласи бўлиб, бу бўйича ҳам аниқ тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, 2025 йилда икки мингдан ортиқ компьютер синфлари янгиланиб, уларга электрон таълим контентлари юкланади. Шунингдек, мактаб тизимида ўқитувчи ўз имконияти ва ютуқларини, янги ишланмаларини эълон қилиши учун ягона онлайн платформа яратилади.

Бу каби омиллар, албатта, фарзандларимиз ижодий қобилиятини, танқидий-таҳлилий фикрлашини шакллантиришга, IT соҳасини чуқур ўзлаштириш, турли рақамли контентлар яратишга, малакали мутахассис сифатида замон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош кадр бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

**Ғайрат АБДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Давлатимиз раҳбари очиқ мулоқот чоғида иқтидорли ёшларни селекция қилиш тизими янги босқичга олиб чиқилишини муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этди. Бунинг учун халқаро даражада фан олимпиадаларига тайёрлаш маркази ташкил қилиниши айни муддао бўлади. Очиғини айтиш керак, иқтидорли ўқувчиларни саралаб олиш, уларнинг билим даражасини оширишда фан олимпиадаларининг ўрни ниҳоятда катта. Сўнгги йилларда ана шундай халқаро фан танловларида муносиб иштирок этаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бундан, албатта, ҳар қанча фахрлансак арзийди. Энг муҳими, бу каби халқаро олимпиада ғолибларининг иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилиши назарда тутилгани ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиш ва интилишларини янада мустаҳкамлайди.

Айтиш мумкинки, бугун ёшларнинг ўз иқтидорини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароит бор. Учрашув чоғида педагогика йўналишида таҳсил олаётган иқтидорли талабалар учун Абдулла Авлоний номидаги стипендияни ташкил этиш ташаббуси билдирилгани бўлажак педагогларни қувонтириши шубҳасиз. Бу, ўз навбатида, йигит-қизларнинг ушбу шарафли касбга бўлган қизиқишини, интилишини янада оширади.

Қайд этиш жоиз, ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантириш, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар учун тарбияга оид рақамли контентлар яратиш ривожланиб бораётган тезкор замонда жуда муҳим. Шу боис мамлакатимиз етакчиси таълимнинг ажралмас қисми бўлган тарбия ва одоб-ахлоқ масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, бу бўйича Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти янгидан ташкил этилганини маълум қилди. Албатта, бу ёш авлодни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, бугун таълим-тарбия соҳасида, ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда, дейишга барча асосимиз бор. Уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, берган ўгитларига амал қилиш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 11 424 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.25 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5 6